

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**БАХРИДДИНОВ ФАЁЗИДДИН БАХРИДДИНОВИЧ**

**ШВИЦ ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК  
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТУРЛИ СЕЛЕКЦИЯДАГИ НАСЛДОР  
БУҚАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.02.01 – Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш,  
кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Қорақўлчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бахриддинов Фаёзиддин Бахриддинович**

Швиц зотли сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини турли  
селекциядаги наслдор буқалардан фойдаланиб такомиллаштириш..... 3

**Бахриддинов Фаёзиддин Бахриддинович**

Совершенствование продуктивных качеств коров швицкой породы с  
использованием быков-производителей разной селекции ..... 21

**Baxriddinov Fayoziddin Baxriddinovich**

Improvement of productive properties of schwyz breed cows with the use of  
purebred bulls of various selection..... 39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**БАХРИДДИНОВ ФАЁЗИДДИН БАХРИДДИНОВИЧ**

**ШВИЦ ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК  
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТУРЛИ СЕЛЕКЦИЯДАГИ НАСЛДОР  
БУҚАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.02.01 – Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш,  
кўпайтириш, селекцияси ва генетикаси. Қорақўлчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясини мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx683 билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.svmitf.uz](http://www.svmitf.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Аширов Мурадилла Ишанқулович**

қишлоқ хўжалик фанлари доктори,  
профессор

Расмий оппонентлар:

**Рўзибоев Нураддин Рахимович**

қишлоқ хўжалик фанлари доктори

**Куччиев Охунжон Раззоқович**

қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиали ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 06 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111801, Тошкент вилояти Зангиота тумани Ўртаовул Қ.Ф.Й, А.Темур кўчаси Тел: (99870) 975-83-11; email: svmi.tfiyandex.ru, www.svmitf.uz).

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111801, Тошкент вилояти Зангиота тумани Ўртаовул Қ.Ф.Й, А.Темур кўчаси Тел: (99870) 975-83-11; факс: (99870)9758311).

Диссертация автореферати 2021 йил «27» 05 куни тарқатилди.  
(2021 йил «27» 05 даги 2 -рақамли реестр баённомаси)



**Б.К.Мадартов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси к.х.ф.д., профессор

**М.Э.Ғойипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, в.ф.ф.д., (PhD)

**С.И.Мавлонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси в.ф.д.,

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё аҳолисининг кундалик эҳтиёжига айланган чорвачилик маҳсулотлари – гўшт, гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларига бўлган талаби кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу жиҳатдан ҳам «ушбу соҳа ривожланган АҚШ, Германия, Голландия, Канада, Япония, Исроил ва Европа Иттифоқи мамлакатларида қорамолларнинг маҳсулдорлик, пуштдорлик, технологик хусусиятларини такомиллаштириш, сунъий қочиришда маҳсулдорлиги жиҳатидан ирсий имкониятлари юқори наслдор буқалардан кенг фойдаланиш, молларни тўла қийматли озиклантиришни таъминлаш, селекция-наслчилик ишларини, асраш шароитларини яхшилашга ва сермахсул зотларни урчитишга катта эътибор қаратилмоқда»<sup>1</sup>. Бу борада чорвачилик соҳасининг қорамолчилик тармоғини янада кенгайтириш, сермахсул зотларнинг бош сонини кўпайтириш, селекция-наслчилик ишларининг инновацион технологияси йўналишлари долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда қорамолчилик соҳасининг районлаштирилган зотлари орасида кўш маҳсулдор йўналишдаги швиц зотли қорамоллар авлоди бош сонини кўпайтириш ва улардан сифатли маҳсулотлар олиш учун режалаштирилган тизимли усулларини ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламдаги тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган илмий изланишлар таркибида қорамолчиликнинг кўшмаҳсулдор йўналишини урчитиб янги зотларни яратиш учун районлаштирилган швиц зотига мансуб сигирларнинг тирик вазни, экстеръери, сервис даврини давомийлигига боғлиқлиги, ирсий имкониятлари жиҳатидан сигирларнинг турли лактациялар даврида сут маҳсулдорлик кўрсаткичининг миқдорини аниқлаш, сут маҳсулдорлигининг лактациялар даврида ўзгариши, озукани сут билан қоплаш хусусияти, сут маҳсулдорлигининг елин хусусиятларига боғлиқлигини аниқлаш кабилар мавзуладаги тадқиқотлар муҳим илмий аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда аҳолини сифатли ва хавфсиз озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Чорвачиликни илмий асосда ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг маҳсулдорлигини янада оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, селекция-наслчилик ишларини яхшилаш, зотларнинг насл, маҳсулдорлик, пуштдорлик хусусиятларини такомиллаштириш, уларнинг сермахсул янги линияларини, оилаларини ҳамда ишлаб чиқариш типларини яратиш»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада иқлим шароитига мослашган кўшмаҳсулдор йўналишдаги швиц зотли қорамоллар юқори маҳсулдорлик хусусиятларини

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/docrep/018/i3300e/i3300e.pdf>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони

сақлаган ҳолда турли селекциядаги сигирларни урчитиб ирсий жиҳатдан мустаҳкам бўлган подалар тизимини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ 2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-5017-сон «Чорвачилик тармоғларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Швиц зотли қорамолларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини такомиллаштириш, сигирларнинг елин ва пуштдорлик кўрсаткичларини яхшилаш, уларнинг юқори маҳсулдор подаларини яратиш, зотни ирсий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича республикамизда ва хориж давлатларида бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва олинган натижалар амалиётга жорий этилган. Хориж олимлари А.С.Всяких, А.П.Солдатов, В.К.Чернушенко, В.И.Листратенкова, Н.С.Петкевич, Д.Н. Кольцов, Н.И. Стрекозов, И.М. Дунин ва республикамиз олимлари Ш.А. Акмалхонов, М.И. Самарцев, М.И. Аширов, К.Мадаминов, Ў.Р. Соатовнинг илмий-тадқиқот ишларида швиц зотли қорамолларнинг насл, маҳсулдорлик, пуштдорлик хусусиятларини соф зотли урчитиш усулида такомиллаштириш самарадорлиги аниқланган. Аммо айни пайтда, швиц зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини, экстерьер, пуштдорлик ва елинининг технологик хусусиятларини яхшилашнинг илмий асослари маҳсус тадқиқотларда етарлича ўрганилмаган.

Бундай йўналишдаги илмий тадқиқотлар республикамизда етакчи зотлардан ҳисобланган швиц зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини, сутининг сифат кўрсаткичларини, елинининг морфологик ва функционал хусусиятларини ҳамда замонавий соғиш ускуналарига яроқлилигини, шунингдек пуштдорлик хусусиятларини яхшилаш имкониятини беради, бу ўз навбатида юқори маҳсулдор сутбоп подалар яратиш, зотнинг маҳсулдорлиги бўйича ирсий салоҳиятидан кенг фойдаланиш имкониятини оширади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-ҚХ-2017-5-45 «Янги линиялар ва оилаларга мансуб швиц зотли сигирларни

жорий этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган. (2017-2018 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** жаҳон генофондига хос турли селекциядаги наслдор буқалардан фойдаланган ҳолда швиц зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, экстерьер тузилиши жиҳатдан фарқланиши ва пуштдорлик даражасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва сутнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

турли селекциядаги сигирларнинг экстерьерери ва елин хусусиятларини баҳолаш;

сигирларнинг озуқани сут билан қоплаш даражасини аниқлаш;

турли селекцияга хос сермаҳсул сигирларнинг подалари яратиш;

швиц зотининг етакчи линияларига ва оилаларига хос сигирларнинг сут маҳсулдорлигини аниқлаш;

швиц зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, экстерьер тузилиши жиҳатдан фарқланиши ва пуштдорлик даражасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон шароитида районлаштирилган швиц зотли III ва ундан юқори лактациялардаги сигирлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сигирларнинг экстерьер, сут маҳсулдорлиги, сутнинг сифати, пуштдорлик, елиннинг технологик кўрсаткичлари ва бошқа селекция белгиларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқотни бажаришда Н.В.Барабаншиковнинг “Сут миқдори ва сутдорлик коэффициенти”, В.Е.Недаванинг “Озуқаларнинг сут билан қопланиши ва селекция-генетик кўрсаткичлари”, Е.А.Арзуманяннинг “Клиник кўрсаткичлар”, Ю.О.Рошенбахнинг “Иссиқликка чидамлик индекси” усуллари хамда “Экстерьерери, лактация эгри чизиғи” усуллари “Москва 1970 й.” услубий йўриқномасидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйдагилардан иборат:

илк бор Республикамиз шароитида швиц зотли турли селекцияга мансуб наслдор буқалардан етиштирилган сигирларнинг экстерьер (гавданинг қия узунлиги, кўкрак айланаси, эни ва чуқурлиги, яғрин ва сағрин баландлиги, поча айланаси, орқа дўнг суяк эни) кўрсаткичларига эга бўлган хамда сут типига хослиги, озиқанинг сут билан қоплаш хусусиятлари (бир кг озиқага олинган сут миқдори) ўзгарувчан иқлимга ва маҳаллий шароитга мослашувчанлиги аниқланган;

швиц зотли сигирлар елинининг косасимон ва думалоқ шаклига нисбатан тоссимон шаклдаги елиннинг ҳажми узун ва кенглиги, сут безларининг физиологик жиҳатдан яхши ривожланганлиги сабабли

лактациядаги сут маҳсулдорлиги тенгдошларига нисбатан ўртача 474 кг га юқори бўлиши исботланган;

турли селекциядаги швиц зотли сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини такомиллаштиришда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ишлаб чиқариш типига боғлиқлиги яъни сут типига мансуб сигирларда сут миқдори 4227,4 кг ни ташкил этиб, сут-гўшт типига нисбатан 424,8 кг, гўшт-сут типига нисбатан 926,2 кг га юқори бўлиши исботланган;

швиц зотли сигирларнинг АҚШ селекциясига мансуб бўлган наслдор буқаларнинг қизлари III ва ундан юқори лактацияда Австрия ва маҳаллий селекциясига нисбатан генетик салоҳияти юқори бўлганлиги сабабли сут маҳсулдорлиги 334,3 кг га юқори бўлиши исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

жаҳон генофондига хос турли селекциядаги швиц зотли наслдор буқалардан олинган сигирларнинг турли лактацияларда сут маҳсулдорлиги аниқланган;

турли селекциядаги сигирларнинг экстерьер кўрсаткичлари, елинининг морфофункциональ хусусиятлари аниқланган;

АҚШ селекциясига мансуб сигирларнинг генетик салоҳияти юқори бўлганлиги сабабли Австрия ва маҳаллий селекцияга мансуб тенгдошларига нисбатан озикани сут билан қоплаш хусусияти 1 кг табиий ёғлиликдаги сут ишлаб чиқариш учун 5,5% озика бирлиги сарфланган. 100 кг озика бирлигига нисбатан эса 5,76% табиий ёғлиликдаги сут кўп ишлаб чиқарилиши аниқланган;

сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси тирик вазнига, сервис даври давомийлиги, йил фасллари ва генетик салоҳиятига боғлиқлиги аниқланган;

швиц зотининг янги линиялари ва оилаларига хос сигирларнинг маҳсулдорлик даражаси тоғ ва тоғолди шароитларида аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида замонавий услуб ва воситалардан фойдаланганлиги, хулосалар, таклифлар ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институт апробация комиссиялари томонидан тасдиқланганлиги ва илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор қорамолчилик соҳасининг турли селекциясига мансуб швиц зотли сигирларни урчитишда уларни III ва ундан юқори лактацияда сут маҳсулдорлик даражаси юқорилиги, уларнинг тирик вазни, экстерери, клиник кўрсаткичлари ҳамда елин шаклларининг тузилишига боғлиқлиги инобатга олинган ҳолда такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли селекцияга мансуб швиц зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда амалиётда мавжуд бўлган технологияларни қўлланилганлиги, швиц зотли сигирларни

сут маҳсулдорлигини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда сут ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини талаб даражасига етказиб бериш имкониятларини очиб берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Швиц зотли турли селекциядаги сигирларнинг экстеръери, сут маҳсулдорлиги ва пуштдорлик хусусиятларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

Швиц зотли турли селекциядаги наслдор буқалар қизларининг III ва ундан юқори лактациядаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича натижалари Андижон вилоятининг Асака туманидаги Т.Шокиров номли наслчилик фермер хўжалиги подасида амалиётга жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 29 декабрдаги 02/23-444-сон маълумотномаси). Илмий янгиликнинг жорий қилиниши натижасида III ва ундан юқори лактацияга эга швиц зотли турли селекциядаги сигирларда сут маҳсулдорлиги 4177,3-4690,4 кг га, ҳар бир бош сигирдан 5 млн. 821 минг сўмдан 7 млн. 142 минг сўмгача соф фойда олинган;

Швиц зотли сигирларнинг сермаҳсул селекция подаси Кўрғонтепа туманидаги «Даврон ота» наслчилик фермер хўжалигида, швиц зотли Австрия селекциядаги Рокси лақабли наслдор буқа қизларининг турли лактациялардаги сермаҳсул сут йўналишидаги сигирлар подаси амалиётга жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 29 декабрдаги 02/23-444-сон маълумотномаси). Илмий янгиликнинг жорий қилиниши натижасида швиц зотли ҳар бир бош сигирдан 4 млн. 937 минг сўмдан 6 млн. 142 минг сўмгача соф фойда олинган;

Швиц зотли АҚШ ва Австрия селекциядаги наслдор буқалардан сермаҳсул сут йўналишидаги сигирлар подаси Шаҳрихон туманидаги «Азизбек» наслчилик фермер хўжалигида амалиётга жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 29 декабрдаги 02/23-444-сон маълумотномаси). Илмий янгиликнинг жорий қилиниши натижасида ишлаб чиқаришда ҳар бир бош сигирдан 4 млн. 134 минг сўмдан 5 млн. 791 минг сўмгача соф фойда олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқоти натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий мақола чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**КИРИШ** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, адабиётлар шарҳи баён этилган, тадқиқотларнинг материал ва услублари кўрсатилган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти қайд қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Диссертация натижаларини чоп этиш натижалари ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг **“Швиц зотли сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини турли омилларга боғлиқликда такомиллаштириш”** деб номланган биринчи бобида сигирларнинг сут маҳсулдорлигининг генотипига боғлиқлиги, қорамолларнинг маҳсулдорлик хусусиятларига озиклантириш омилнинг таъсири, турли селекциядаги наслдор буқаларнинг авлодларини маҳсулдорлигини такомиллаштиришдаги ўрни, сигирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда белгиларнинг селекция-генетик кўрсаткичларидан фойдаланишнинг аҳамияти, сермаҳсул подалар яратишда сигирларнинг ишлаб чиқариш типлари бўйича селекция ишларини олиб боришнинг аҳамияти, қорамолларнинг пуштдорлик хусусиятларини яхшилашга таъсир этувчи омилларга оид адабиётлар маълумотлари таҳлил қилиб чиқилган. Ушбу йўналишда тадқиқотларни амалга оширган кўплаб муаллифларнинг илмий натижалари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотларни ўтказиш жойи, манбаи ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни ўтказиш жойи, тасвири, тадқиқотларда қўлланилган усуллар кўрсатилган. Илмий тадқиқотлар 2018-2020 йилларда Андижон вилоятининг Асака туманидаги Т. Шокиров номли наслчилик фермер хўжалиги подасида ўтказилган. Бу бобда сигирларнинг сут маҳсулдорлигини, сутдорлик коэффицентини, экстерьерини, клиник кўрсаткичларини ва иссиққа чидамлилиқ индексини, озуқани сут билан қоплаш, пуштдорлик, елин хусусиятларини ва бошқа селекция белгиларини ўрганиш усуллари келтирилган.

Тадқиқотларда ҳар бирида 15 бошдан иборат 3 гуруҳ III ва ундан юқори лактациялардаги швиц зотли сигирлар танлаб олинган. I гуруҳга маҳаллий, II- АҚШ ва III гуруҳга Австрия селекциясидаги швиц зотли наслдор буқалардан олиниб етиштирилган сигирлар ажратилган. Сигирларда бир турдаги озиклантириш қўлланилган. I гуруҳда лактацияда ҳар 1 бош сигир ҳисобига ўртача 4595,0 озуқа бирлиги ва 538,5 кг хазмланадиган протеин, II гуруҳда тегишлича 4878,0 ва 562,9 кг, III гуруҳда 4670, 4 ва 542,2 кг сарфланди.

Диссертациянинг **“Турли келиб чиқишга ва селекцияга эга сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида турли линияларга ва турли селекцияга ҳамда янги оилаларга мансуб

сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва экстеръери, сигирларнинг елин хусусиятлари, пуштдорлик кўрсаткичлари, турли селекциядаги наслдор буқаларнинг қизларини сут маҳсулдорлиги, сигирларнинг сут маҳсулдорлигини сервис-даври муддатларига боғлиқлиги, сигирларнинг елин шаклларининг сут маҳсулдорлиги билан ўзаро боғлиқлиги ўрганилган ҳамда сигирларнинг сут маҳсулдорлик хусусиятларини ошириш усуллари ишлаб чиқилган ва илмий асосланган.

Сигирларнинг насл қийматини баҳолашда сут маҳсулдорлиги асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг лактациядаги сут маҳсулдорлиги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал


### Сигирларнинг сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I (n-15)		II(n-15)		III(n-15)	
	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	$C_v, \%$
Сут миқдори, кг	4177,3±85,4	7,62	4690,4±101,9	8,13	4364,9±103,6	8,88
Сутдаги ёғ, %	4,13±0,03	3,72	4,03±0,04	3,94	4,07±0,04	3,43
Сут ёғи чиқими, кг	172,5±2,57	5,40	189,0±2,35	4,68	177,6±2,77	5,85
4%-ли сут миқдори, кг	4313,1±59,7	5,22	4725,6±61,1	4,85	4441,3±71,3	5,98
Сутдорлик коэффиценти, кг	816,0±15,6	3,46	886,1±19,7	8,32	844±15,1	6,80
Тирик вазни, кг	511,9±4,73	3,46	529,3±7,2	5,08	525,8±6,84	4,34
Қуруқ модда,%	12,68		12,56		12,61	
Ёғсизлантирилган қуруқ сут қолдиғи, %	8,71		8,69		8,69	
Сутдаги оксил,%	3,68		3,62		3,64	
Сутдаги қанд,%	4,53		4,52		4,52	

1-жадвал маълумотларидан кўринишича, II гуруҳдаги сигирларнинг III ва ундан юқори лактациядаги сут миқдори I гуруҳдаги сигирларникидан 513,1 кг ( $P>0,999$ ), III гуруҳдаги сигирларникидан 325,5 кг ( $P>0,99$ ), сут ёғи чиқими тегишли равишда 16,5 ( $P>0,999$ ) ва 11,4 кг ( $P>0,99$ ) ҳамда 4%-ли сут миқдори 412,5 ( $P>0,999$ ) ва 284,3 ( $P>0,99$ ) кг, сутдорлик коэффиценти 70,1 кг ( $P>0,99$ ) ва 42,1 кг ( $P>0,99$ ) юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

Барча гуруҳларда сигирларнинг сути таркибидаги қуруқ модда, ёғсизлантирилган қуруқ сут қолдиғи, сут оксили ва қанд миқдори, сутнинг тўйимлилик қиймати яхши даражада бўлганлигини кўрсатди.

Турли селекциядаги швиц зотли наслдор буқаларнинг авлодларини сут маҳсулдорлигининг динамикаси 1 расмда келтирилган.



**1-расм. Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг лактациядаги сут миқдорининг динамикаси, кг**

1-расм маълумотларининг таҳлили АҚШ селекциясидаги швиц зотли наслдор буқалардан олиниб етиштирилган сигирларни сут маҳсулдорлигининг юқори даражада бўлганлигини тасдиқлайди.

Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг лактациядаги озукани сут билан қоплаш даражаси ўрганилган, унинг натижалари 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**Сигирларни озукани сут маҳсулоти билан қоплаш кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I(n-15)	II(n-15)	III(n-15)
Лактацияда ҳар 1 бош сигирга сарфланган озуқа бирлиги, кг	4595,0	4878,0	4670,4
Сут миқдори, кг	4177,3	4690,4	4364,9
4%-ли сут миқдори, кг	4313,1	4725,6	4441,3
1 кг табиий сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқа бирлиги, кг	1,10	1,04	1,05
1 кг 4%-ли сут учун сарфланган озуқа бирлиги, кг	1,06	1,03	1,05
Ҳар 100 озуқа бирлигига ишлаб чиқарилди: табиий ёғлиликдаги сут, кг	90,91	96,15	93,46
4% -ли сут, кг	93,86	96,87	95,09

2-жадвалдан кўринишича, II гуруҳдаги сигирлар бошқа гуруҳлардаги сигирларга нисбатан озукани юқори даражада сут маҳсулоти билан қопладилар. Жумладан, II гуруҳ сигирлари I ва III гуруҳлар сигирларига нисбатан 1 кг табиий ёғлиликдаги сут ишлаб чиқариш учун тегишлича 5,5 ва 1,0% кам ҳамда 1 кг 4%-ли сут учун 2,9 ва 2,0% озуқа бирлигини кам сарфладилар, лекин ҳар 100 озуқа бирлигига нисбатан тегишли равишда 5,24

кг (5,76%) ва 2,69 кг (2,88%) табиий ёғлиқликдаги сут ҳамда 3,01 кг (3,21%) ва 1,78 кг (1,87%) 4%-ли сут кўп ишлаб чиқилди.

Сигирлардан сутбоп подаларда фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолашда ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига сут маҳсулоти ишлаб чиқариш даражаси муҳим ўринга эга (3-жадвал).

3-жадвал

**Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига сут маҳсулоти чиқими**

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I(n-15)	II(n-15)	III(n-15)
Тирик вазни, кг	511,9	529,3	525,8
Сут миқдори, кг	4177,8	4690,4	4364,9
Сутдорлик коэффициенти, кг	816,0	886,1	884,7
Ҳар 100 кг тирик вазн ҳисобига ишлаб чиқарилган:			
4% -ли сут, кг	814,6	892,8	844,7
сутёғи чиқими, кг	33,68	35,71	33,78

Тадқиқотларда II гуруҳдаги сигирлар лактацияда ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига бошқа гуруҳлардаги сигирларга нисбатан яхши даражадаги сут маҳсулоти ишлаб чиқардилар. Бу гуруҳдаги сигирлар ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига I ва III гуруҳлардаги тенгқурларига нисбатан тегишли тарзда 70,1 кг (8,59%) ва 1,4 кг (0,84%) сут, 78,2 кг (9,60%) ва 48,1 кг (5,69%) 4%-ли сут ҳамда 2,03 кг (6,03%) ва 1,93 кг (5,71%) сут ёғи кўп ишлаб чиқарилган.

Селекция белгилари ўртасида ижобий ўзаро боғланган белгилар бўйича наслчилик ишларини олиб бориш бу белгиларни ва зотни такомиллаштириш суръатини ошириш имконини беради. Тадқиқотларда сигирларнинг асосий селекция белгилари ўртасидаги корреляция коэффициенти ўрганилган (4-жадвал).

4-жадвал

**Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг селекция белгиларининг ўртасидаги корреляция коэффициентлари (r)**

Белгилар корреляцияси	Гуруҳлар		
	I(n-15)	II(n-15)	III(n-15)
Сут миқдори - сут ёғи чиқими	0,752	0,961	0,918
Сут миқдори - 4%-ли сут	0,874	0,922	0,945
Сут ёғи чиқими - 4%-ли сут	0,766	0,953	0,937
Сут таркибидаги ёғ - сут ёғи чиқими	0,933	0,948	0,895
Сут миқдори - тирик вазн	0,711	0,628	0,587
Сут миқдори - сут бериш тезлиги	0,102	0,118	0,053
Сут миқдори - сутдорлик коэффициенти	0,892	0,903	0,895
Сут миқдори - сут таркибидаги ёғ	- 0,814	-0,865	-0,810

4-жадвалдан кўринишича, барча гуруҳларда сут миқдори ва сут ёғи чикими, 4%-ли сут, сут ёғи чикими ва 4%-ли сут, сут миқдори ва тирик вазн, сут миқдори ва сутдорлик коэффициенти ўртасида юқори даражадаги ижобий корреляция коэффициенти аниқланди, бу маълумотлар ушбу ўзаро ижобий боғланган белгиларнинг бирининг ошиши албатта у билан ўзаро боғланган иккинчи белгининг ҳам ошишига олиб келишидан далолат беради.

Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг пушторлик кўрсаткичлари 5-жадвалда келтирилган.

**5-жадвал**

**Сигирларнинг пушторлик кўрсаткичлари**


Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I(n-15)	II(n-15)	III(n-15)
Биринчи туғишдаги ёши, кунлар	548±3,4	537±4,1	541±3,1
Бўғозлик давомийлиги, кун	282,9±2,0	283,1±2,7	282,6±2,5
Сервис-даври, кунлар	78,6±3,0	80,5±3,6	83,3±4,0
Оталаниш даражаси, %	83,3	71,4	75,0
Қочириш индекси	1,20	1,40	1,33

5-жадвалнинг кўрсатишича, II гуруҳдаги сигирларнинг биринчи туғишидаги ёши I ва III гуруҳлардаги сигирларникига нисбатан тегишлича 11 ( $P>0,99$ ) ва 4 кун қисқа бўлди. Гуруҳлардаги сигирларнинг бўғозлигининг давомийлиги ўртасида кўзга ташланадиган фарқ кузатилмади. Сервис-даври давомийлиги I гуруҳда II ва III гуруҳларга нисбатан тегишли тарзда 1,9 ва 4,7 кун қисқа бўлди ҳамда шу туфайли оталаниш даражаси 4 ва 8,3% юқори, қочириш индекси 0,20 ва 0,13 бирликка кам бўлганлиги кузатилган.

Жаҳон генофондига хос наслдор буқалардан олиниб етиштирилган III ва ундан юқори лактациялардаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги Т.Шокиров номли фермер хўжалигининг тажриба подасида амалга оширилди. Тадқиқотларда Петер ва Рокси швиц зотли наслдор буқалар Австрия селекциясига, Демон ва Корона – АҚШ селекциясига мансуб эди. Ушбу селекциялардаги наслдор буқаларнинг етук ёшдаги қизларининг сут маҳсулдорлиги ўрганилган ( 6 жадвал ва 2 расм).

**Швиц зотли турли селекциядаги наслдор буқалар қизларининг III ва  
ундан юқори лактацияларда сут маҳсулдорлиги**

Кўрсаткичлар	Наслдор буқалар лақаби			
	Петер	Рокси	Демон	Корона
Сигирлар бош сони	15	15	9	6
Сут маҳсулдорлиги, кг	4197,7±22,5	4205,±22,3	4711,9±42,5	4698,7±47,7
Cv,%	2,01	1,99	2,55	2,27
Сутдаги ёғ, %	4,01±0,03	4,13±0,03	4,12±0,06	4,15±0,05
Cv,%	2,76	3,12	4,16	2,53
Тирик вазни, кг	499,5±3,30	523,4±3,16	513,8±1,35	516,0±2,88
Cv,%	2,47	2,26	0,75	1,15
Сутдаги ёғ чикими, кг	172,1	173,7	194,1	195,0
4%-ли сут, кг	4302,6	4341,7	4853,2	4874,9
Сутдорлик коэффциенти, кг	840,4	803,4	917,1	910,6



**2-расм. Сигирларнинг сут миқдорининг ўзгариши, кг**


Тадқиқотларда Т.Шокиров номли наслчилик фермер хўжалиги тажриба подасидаги III ва ундан юқори лактациялардаги турли ишлаб чиқариш типларидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ўрганилди (7-жадвал).

7-жадвал

**Сигирларнинг ишлаб чиқариш типларига боғлиқликда сут маҳсулдорлиги**

Кўрсаткичлар	Сигирларнинг ишлаб чиқариш типи		
	сут	сут-гўшт	гўшт-сут
Бош сони	42	28	15
Сут миқдори, кг	4227,4±101,5	3802,6±78,6	3281,2±92,1
Сутдаги ёғ,%	3,98±0,03	4,07±0,03	4,18±0,04
Сутдаги оқсил,%	3,59±0,03	3,64±0,03	3,72±0,02
Сут ёғи чиқими, кг	168,2±4,4	154,8±4,1	157,1±3,0
Сут оқсили чиқими, кг	151,8±3,0	138,4±3,6	122,1±2,8
4%-ли сут миқдори, кг	4206,3±90,2	3869,1±70,4	3428,8±81,7
Қурук модда, %	12,50	12,61	12,74
Ёғсизлантирилган қурук сут қолдиғи, %	8,68	8,69	8,72
Сут қанди, %	4,51	4,52	4,53

Жадвал ва 3-расм маълумотларининг кўрсатишича, сут типидagi сигирларнинг лактациядаги сут миқдори сут-гўшт типидagi сигирларникидан 424,8 кг ( $P>0,99$ ), гўшт-сут типидagi тенгқурлариникидан 946,2 кг ( $P>0,999$ ), сут ёғи чиқими тегишлича 13,4 кг ( $P>0,95$ ) ва 11,1 кг ( $P>0,95$ ), сут оқсили чиқими миқдори 13,4 кг ( $P>0,99$ ) ва 29,7 кг ( $P>0,999$ ), 4%-ли сут миқдори 337,2 кг ( $P>0,99$ ) ва 777,5 кг ( $P>0,999$ ) юқори кўрсаткичларга эга бўлди.



**3-расм. Сигирларнинг ишлаб чиқариш типларига боғлиқликда сут маҳсулдорлиги, кг, а - сут, б - сут-гўшт, в - гўшт-сут типли**

### Сигирларнинг сервис-даври муддатларига боғлиқликда сут маҳсулдорлиги

Т.Шокиров номли наслчилик фермер хўжалиги тажриба подасида III ва ундан юқори лактациялардаги сигирларнинг сервис-даври муддатларига боғлиқликда сут маҳсулдорлигини ўрганилди, унинг натижалари 8-жадвалда келтирилган.

### 8-жадвал

#### Сигирларнинг сервис-даври давомийлигига боғлиқликда маҳсулдорлик кўрсаткичлари ( $\bar{X} \pm S \bar{x}$ )

Кўрсаткичлар	Сервис-даври давомийлиги, кунлар			
	80 кунгача	81-90	91-100	101 кун ва ундан юқори
Бош сони	24	31	20	12установлен
Сут миқдори, кг	3985,7±98,2	4187,5±109,5	4052,2±93,7	3976,8±112,7
Сутдаги ёғ, %	4,11±0.03	4,02±0,04	4,00±0,02	4,19±0.03
Сут ёғи чиқими, кг	163,8±4,3	168,3±3,8	162,1±5,0	166,6±4,1
4%-ли сут, кг	4095,3±101,4	4208,4±94,5	4052,2±84,3	4165,7±101,5
Сут дорлик коэффиценти, кг	801,1±25,3	829,7±27,4	800,5±31,4	792,3±22,1
Тирик вазни, кг	497,5±3,7	504,7±4,1	506,2±4,5	501,9±3,8

8-жадвал маълумотларининг таҳлили 81-90 ва 91-100 кун оралиғидаги сервис-даври муддатларига эга сигирлар юқори сут маҳсулдорлигини юзага чиқарганликларини кўрсатади. 81-90 кун сервис-даврига эга сигирларда лактациядаги сут миқдори бошқа муддатларга эга сигирларникидан 135,3-210,7 кг, сут ёғи чиқими 1,7-6,2 кг, 4%-ли сут миқдори 42,7-156,2 кг юқори бўлди. Сервис-даври 100 кунгача бўлган сигирлар ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 800 кг дан ошириб сут ишлаб чиқардилар ва сут типига эга бўлганлиги қайд этилди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Тадқиқотларда келиб чиқишидан қатъий назар, швиц зотли сигирлар юқори сут маҳсулдорлиги аниқланди. II гуруҳдаги сигирларнинг лактациядаги сут миқдори I гуруҳдаги сигирларникидан 513,1 кг ( $P>0,999$ ), III гуруҳдаги сигирларникидан 325,5 кг ( $P>0,99$ ), сут ёғи чиқими тегишли равишда 16,5 ( $P>0,999$ ) ва 11,4 кг ( $P>0,99$ ) ҳамда 4%-ли сут миқдори 412,5 ( $P>0,999$ ) ва 284,3 ( $P>0,99$ ) кг, сутдорлик коэффициентлари 70,1 кг ( $P>0,99$ ) ва 42,1 кг ( $P>0,99$ ) юқори кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланган.

I гуруҳ сигирларининг лактациядаги сут миқдори швиц зотининг андоза талабларидан 977,3 кг (30,5%), сутдаги ёғ 0,43 %, сут ёғи чиқими 54,1 кг, II гуруҳда бу кўрсаткичлар тегишли тарзда 1490,4 кг; 0,33% ва 70,6 кг ҳамда III гуруҳда 1164,9 кг; 0,37% ва 59,2 кг юқори бўлганлиги қайд қилинган.

2. Сигирлар яхши даражада озикани сут маҳсулоти билан қоплаш хусусиятларини юзага чиқардилар. II гуруҳ сигирлари I ва III гуруҳлар сигирларига нисбатан 1 кг табиий ёғлиқликдаги сут ишлаб чиқариш учун тегишлича 5,5 ва 1,0% ҳамда 1 кг 4%-ли сут учун 2,9 ва 2,0% озика бирлигини кам сарфладилар, лекин ҳар 100 озика бирлигига нисбатан тегишли равишда 5,24 кг (5,76%) ва 2,69 кг (2,88%) табиий ёғлиқликдаги сут ҳамда 3,01 кг (3,21%) ва 1,78 кг (1,87%) 4%-ли сут кўп ишлаб чиқилган.

3. Таҷриба гуруҳларидаги сигирларнинг экстерьерлари мутаносиб ривожланган чўзилувчан ва кенг ривожланган кўкрак қафасига эга бўлганлиги ҳамда сут типига хослиги аниқланган.

4. Сигирларнинг лактациядаги сут маҳсулдорлиги узвий равишда тирик вазнига боғлиқдир. II гуруҳдаги 541 кг ва ундан юқори тирик вазли сигирларда лактациядаги сут миқдори I гуруҳдаги турли тирик вазли сигирларникидан 439,4-835 кг, сут ёғи чиқими 13,2-3078 кг, 4%-ли сут 329,3 - 747,1 кг юқори ҳамда III гуруҳдаги тенгқурлариникидан ушбу кўрсаткичлар тегишлича 214-951 кг ( $P>0,999$ ), 10-28,3 кг ( $P>0,999$ ) ва 248,7-707,6 кг ( $P>0,999$ ) юқори бўлганлиги кузатилган.

5. Тадқиқотларда энг юқори сут маҳсулдорлиги билан тоссимон елин шаклига эга II гуруҳ сигирлари тавсифландилар ва уларнинг лактациядаги сут миқдори ушбу елин шаклига эга I ва III гуруҳлардаги сигирларникидан тегишли равишда 515,1 ( $P>0,999$ ) ва 270,6 кг, сут ёғи

чиқими 19,2 ( $P>0,999$ ) ва 8,7 кг ( $P>0,999$ ), 4%-ли сут миқдори 479,5 ( $P>0,999$ ) ва 215,9 кг ( $P>0,95$ ), сутдорлик коэффиценти 83,9 ( $P>0,99$ ) ва 73,7 кг ( $P>0,99$ ) юқори кўрсаткичларга эга бўлди. III гуруҳ сигирларида лактациядаги сут миқдори I гуруҳдаги тенгқурлариникидан 244,5 кг, сут ёғи чиқими 10,5 кг. 4%-ли сут 263, 6 кг юқори бўлганлиги аниқланди.

6. Тадқиқотларда тоссимон елин шаклига эга II гуруҳдаги тоссимон елин шаклига эга сигирларнинг сут миқдори косасимон елинли I ва III гуруҳлардаги сигирларникидан тегишлича 974, 3 ( $P>0,999$ ) ва 920,4 кг ( $P>0,999$ ), сут ёғи чиқими 26,2 ( $P>0,999$ ) ва 26,4 кг ( $P>0,999$ ), 4%-ли сут миқдори 653,1 ( $P>0,999$ ) ва 659,6 кг ( $P>0,999$ ), сутдорлик коэффиценти 83,9 ( $P>0,99$ ) ва 163,8 кг ( $P>0,999$ ), сут бериш тезлиги 10,4 ( $P>0,99$ ) ва 7,81% ( $P>0,99$ ) юқори кўрсаткичлар билан тавсифланди.

7. Тажриба гуруҳларида сут миқдори ва сут ёғи чиқими, 4%-ли сут., сут ёғи чиқими ва 4%- ли сут, сут миқдори ва тирик вазн, сут миқдори ва сутдорлик коэффиценти ўртасида юқори даражадаги ижобий корреляция коэффиценти аниқланди, бу маълумотлар ушбу ўзаро ижобий боғланган белгиларнинг бирининг ошиши албатта у билан ўзаро боғланган иккинчи белгининг ҳам ошишига олиб келишидан далолат беради.

8. Тадқиқотлар швиц зотли турли селекциядаги наслдор буқаларнинг авлодларидан сут ишлаб чиқаришда фойдаланиш самарали эканлигини кўрсатди. II ва III гуруҳлардаги сигирларнинг ҳар 1 бошидан олинган соф фойда I гуруҳдаги сигирларникидан тегишлича 1321670 ва 321338 сўм кўп ва самарадорлик даражаси 10,1 ва 2,1% юқори бўлди.

9. Эмиль ва Рокси линияларидаги ва сигирларнинг янги оилаларидаги сигирлар сут маҳсулдорлиги бўйича юқори ирсий салоҳиятга эга. Эмиль линиясига мансуб сигирларнинг сут миқдори швиц зотли III ва ундан юқори лактациялардаги сигирларнинг зот андозаси талабларидан 1024,7 кг (32,02%), сут ёғи чиқими 48,4 кг (40,88%) юқори бўлди. Рокси линиясидаги сигирларнинг сут миқдори ушбу андоза талаблардан 1005,0 кг (31,4%), сут ёғи чиқими 55,3 кг юқори бўлганлигини ва сутдорлик коэффиценти уларнинг сут типига хослигини кўрсатди.

10. Сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси узвий равишда ишлаб чиқариш типларига боғлиқдир. Сут типидagi сигирларнинг лактациядаги сут миқдори сут-гўшт типидagi сигирларникидан 424,8 кг ( $P>0,99$ ), гўшт –сут типидagi тенг қурлариникидан 946,2 кг ( $P>0,999$ ), сут ёғи чиқими 13, 4 кг ( $P>0,95$ ) ва 11,1 кг ( $P>0,95$ ), 4%-ли сут миқдори 337,2 кг ( $P>0,99$ ) ва 777,5 кг ( $P>0,999$ ) юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

11. Тажриба подасида 81-90 кун сервис-даврига эга сигирларда лактациядаги сут миқдори бошқа муддатларга эга сигирларникидан 135,3-210,7 кг, сут ёғи чиқими 1,7-6,2 кг, 4%-ли сут миқдори 42,7-156,2 кг юқори бўлди. Сервис-даври 100 кунгача бўлган сигирларда ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 800 кг дан юқори миқдорда сут ишлаб чиқарил.

12. Тадқиқотларда сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси елин шаклларига боғлиқлиги аниқланди. Тоссимон елин шаклига мансуб

сигирларнинг III ва ундан юқори лактациядаги сут миқдори косасимон ва думалоқ елин шаклига мансуб сигирларникидан тегишли тарзда 252,1 ва 695, кг ( $P>0,99$ ). сут ёғи чиқими 4,4 ва 19,8 кг ( $P>0,99$ ), сут оқсили чиқими миқдори 5,4 ва 20,3 кг ( $P>0,999$ ), 4%-ли сут миқдори 110,8 ва 495,1 кг юқори бўлганлиги кузатилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ PhD  
06/09.07.2020.Qx/V.117.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФИЛИАЛЕ  
САМАРКАНДСКОГО ИНСТИТУТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**  

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
ЖИВОТНОВОДСТВА И ПТИЦЕВОДСТВА**

**БАХРИДДИНОВ ФАЁЗИДДИН БАХРИДДИНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОДУКТИВНЫХ КАЧЕСТВ КОРОВ  
ШВИЦКОЙ ПОРОДЫ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ БЫКОВ-  
ПРОИЗВОДИТЕЛЕЙ РАЗНОЙ СЕЛЕКЦИИ**

**06.02.01 – Разведение, селекция, генетика и воспроизводство сельскохозяйственных  
животных. Каракулеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/Qx683

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте животноводства и птицеводства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме) размещен на веб-странице Научного совета ([www.svmitf.uz](http://www.svmitf.uz)) а также в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ZiyoNet.uz](http://www.ZiyoNet.uz)).

Научный руководитель:

**Аширов Мурадилла Ишанкулович**

доктор сельскохозяйственных наук,  
профессор

Официальные оппоненты:

**Рузибоев Нураддин Рахимович**

доктор сельскохозяйственных наук

**Куччиев Охунжон Раззокович**

кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущее предприятие:

Научно исследовательский институт  
Каракулеводство и экология пустыни

Защита диссертации состоится «10» 06 2021 г. В 10<sup>00</sup> часов на заседании научного совета по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным и ветеринарным наукам PhD.06/09.07.2020.Qx/V.117.01 при Ташкентском филиале Самаркандском институте ветеринарной медицины. (Адрес: 111801, Ташкентская область, Зангиотинский район, Уртаовул КФЙ, ул. Амир Темура. Тел.: (+99870) 975-83-11; email:svmi.tfiyandex.ru, www.svmitf.uz, малый конференц-зал Ташкентского филиала Самаркандского ветеринарного института.

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского филиала Самаркандского института ветеринарной медицины (заофицировано № 2) (Адрес: 111801, Ташкентская область, Зангиотинский район, Уртаовул КФЙ, ул. Амир Темура. Тел.: (+99870) 975-83-11, факс: (99870)9758311).

Автореферат диссертации разослан «27» 05 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 2 от «24» 05 2021 года)



**Б.К. Мадартов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.с-х.н., профессор

**М.Э. Гойцова**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученой степени, д.в.ф.н. (PhD)

**С.И. Мавлонов**

Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученой степени, д.в.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в обеспечении возрастающих потребностей населения стран мира животноводческой продукцией скотоводство занимает особое место. «В таких странах с развитым скотоводством как США, Германия, Голландия, Канада, Япония, Израиль и Евросоюзе уделяется большое внимание усовершенствованию продуктивных, воспроизводительных, технологических качеств скота, широкому использованию генетического потенциала быков-производителей при искусственном осеменении, обеспечению полноценного кормления, улучшению селекционно-племенной работы и условий содержания, разведению высокопродуктивных пород животных»<sup>1</sup>. В результате проводимой работы достигается высокая молочная продуктивность коров.

